

*Жўраева Ш.У.*Магистр Тошкент давлат
иқтисодиёт университети

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада аҳоли турмуш даражасини оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини кенгайтириш, уларни ривожлантириш йўллари кўриб чиқилган. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни эркин фаолиятлари учун ишбилармонлик муҳитини янада қулайлаштириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида муаллиф ёндашувлари баён этилган. Ушбу секторда шаклланган муаммолар таҳлил этилади. Шунингдек, уларни ҳал этиш учун айрим таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, бандлик, ишсизлик, аҳоли, турмуш даража, тадбиркорлик субъектлари.

Кириш

Аҳолини турмуш даражасини оширишда уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишларида тадбиркорлик соҳасини ривожланиши энг асосий омил ва манба бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бу секторни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрида парламентга чиқиш билан мурожаат қилиб, ўз нутқида “...аҳолини, жумладан ёшларни қўллаб-қувватлаш долзарб эканлиги” тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу таклиф жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Шунингдек президентимизнинг “...тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли қатламига микрокредитлар бериш тизимини соддалаштириш керак” деган фикрларини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Азалдан юртимиз ўзининг инсон қадри, аҳолининг, айниқса ёшларнинг камолоти барча даврларда устувор бўлиб келгани билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ тадбиркорликка эътибор қаратиб, бу орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилишга, шу сабабли ҳуқуқий базасини яратиш ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади. Тадбиркорликни ривожлантириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш давлат томонидан бериладиган имтиёзлар, тадбиркорликка таъсир этувчи муҳитнинг қай даражада шаклланганлиги билан ўзаро узвий боғлиқ.

Шу билан бирга, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбир-корликни ривожлантириш, унинг қонуний-меъморий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий ислохотлар долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Кам сармоя талаб қиладиган, тез модернизация қилинадиган ва бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша оладиган бизнес

юритиш замон талабига айланди десак муболаға бўлмайди. Тадбиркорлик бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодий таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади.

Мамлакатда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида “иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш”дек устувор вазифалар белгиланди. Шунингдек тадбиркорликни ривожлантиришни 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг учинчи устувор йўналиш яъни, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлаш йўналишида кўришимиз мумкин. Аслида бундай ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт, яъни турмуш даражасини ошириш ва сифатини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бугунги кунда хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш масалалари ўзига хос долзарблик касб этади.

Шу нуктаи назардан, бугунги кунда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, хусусан, ёшларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аслида бундай ислохотларнинг асосий мақсади-аҳоли турмуш даражасини ошириш, улар учун муносиб ҳаёт яратишдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига энг муҳим вазифалар сифатида қараб, “инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланганлиги”нинг аҳоли турмуш даражаси ошишига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Аҳоли турмуш даражасининг ошишида эса тадбиркорликнинг ўрни муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар, тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини илмий тарзда ўрганишга оид муаммолар турли давлатларда турлича ечимга эга бўлган. Масалан, таниқли иқтисодчи олимларидан ҳисобланган Р.Морсе, К.Маннинг, А.Бруно, Д.Норбурн кабилар тадбиркорликни аҳоли турмушига таъсири ва уни оширишга қаратилган омилларни тадқиқ қилган бўлсалар, Т.Парсоннинг илмий ишларида тадбиркорлик фаолиятида аёллар ролини ошириш бўйича илмий назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Америкалик иқтисодчи олимлар Л.Вард В.Томос, А.Канте ва Г.Спенсер кабилар ҳам ўз илмий қарашларида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг ривожланишига туртки берувчи ғояларини яратганлар. Россиялик олимлар қаторида тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш

даражасини ошириш масалалари бўйича Н. Симионова, Е.Быкова, кабиларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларига оид фундаментал-назарий ва амалий муаммолар республикамизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шу кунларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг амалий саъй-ҳаракатларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек Қ.Х. Абдурахмонов, Ш.Р. Холмўминовнинг тадқиқотларида аҳоли турмуш даражасига таъриф берилиб, уни оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва шунга доир бошқа назарий маълумотлар берилган, жумладан, аҳоли турмуш даражаси деганда уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиш даражаси тушунилади. А. Ўлмасовнинг "Иқтисодиёт асослари" китобида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг бир нечта омиллар асосида ошириш жумладан, тадбиркорликнинг ўрни ҳақида таърифлари назарий жиҳатдан келтирилган. Бунда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш юзасидан таклиф, тавсиялар келтирилган Қолаверса, таниқли иқтисодчилар С.С.Ғуломов, Абдураманов Қ.Х., М.С.Ходиевларнинг илмий мақолалари ва ўқув қўлланмаларида тадбиркорлик ва унинг аҳоли турмуш тарзини оширишдаги ўрни ва ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Уларнинг мулоҳазаларига кўра тадбиркорлик муҳити ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида шаклланади ва аҳоли турмуш тарзи оширишда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани ёритишда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун- моҳияти ўрганилиб, мазкур соҳани ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди. Шу билан бирга мавзунини ёритишда илмий техникавий ахборот манбаларидан тадқиқот ҳисоботлари ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Биз мавзуимиз номидан келиб чиқиб авваламбор аҳоли турмуш даражасига таъриф берсак муболаға бўлмайди деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, шундан кейин аҳоли турмуш даражаси ва унинг фаровонлиги оширишда тадбиркорликнинг ўрни ҳақида тўхталсак бўлади.

Аҳоли турмуш даражаси деганда уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиш даражаси тушунилади. Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар жуда кўп эҳтиёжларни ўз ичига олади. Буларга мисол қилиб меҳнат шароити, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби кўплаб эҳтиёжларни айтиш мумкин. Аҳолининг фаровонлик даражасини йўдалаш учун "турмуш даражаси", "халқ фаровонлиги", "турмуш фаолияти хавфсизлиги", "турмуш тарзи", "меҳнат фаолияти сифати", "турмуш сифати" каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Аҳоли турмуш даражаси, сифати ва унинг фаровонлиги

ошиши жуда кўп иқтисодий омиллар ва соҳаларга боғлиқ, жумладан шулардан энг муҳимларидан бири тадбиркорлик соҳасидир.

Бугунги кунда ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, уларнинг барқарор ва кўшимча даромад манбаига эга бўлишига, миллий ҳунармандчилик янада ривожланишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқишига ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга бўлган қизиқшини кескин ошириш, айниқса муҳтож оилаларнинг ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, ҳудудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттиришни тақозо этмоқда. Республика ҳудудларида аҳолининг даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланишга, оилавий тадбиркорлик ривожланишига ҳар томонлама қўмаклашиш ва мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. . Бугунги вазият ушбу юксак мақсадни амалга ошириш учун етарли даражадаги ечим ҳисобланмасада, аҳоли турмуш даражаси ошишида муҳим ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш муҳим аҳамиятга ҳам эга бўлиб, уларнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: соф рақобатчилик амалиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мулкдор ва тадбиркорларнинг кенг қатламини шакллантириш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишида максимал даражада ўз - ўзини шакллантиришини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ва субъектларининг устувор фаолият турларини рағбатлантириш, ресурсларни тўплаш ва уларни устувор йўналишларда қўллашга қўмаклашиш, кичик бизнес субъектларини йирик миллий иқтисодий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш ва давлат эҳтиёжлари юзасидан тадбирларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларини модернизациялаш, илғор технологиялар ва янги ускуналарни жорий этиш бўйича имтиёз ва преференциялар бериш, кичик бизнес субъектлари билан боғлиқ юқори савдо ва молиявий таваккалчиликларнинг таъсирини камайтириш орқали рақобатчилик муҳитида кичик тадбиркорликнинг барқарор фаолият олиб боришини таъминлаш ва бунинг натижасида аҳоли турмуш даражасининг ошишига эришишдир.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ўрни муҳим бўлганидек дунёнинг барча мамлакатларида ҳам тадбиркорлик ва бизнес иқтисодиётнинг пойдевори, асоси ҳисобланади. Аҳоли турмуш даражаси ва сифати, унинг фаровонлиги, ялпи миллий маҳсулот ўсиш суръатлари даражаси, мамлакат тараққиёти ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ. Бозор иқтисодиётига йўналтирилган кўпгина мамлакатларда хусусий тадбиркорлик соҳаси экспорт бозорлари фаолиятида фаол иштирок этиб, ялпи миллий маҳсулотнинг ошишига қўмаклашиб ва аҳоли бандлигини таъминлаб ва бунинг натижасида унинг турмуш даражаси ва сифати ошишига хизмат қилиб, иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади.

Баъзи бир ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичларини кўриб чиқамиз(1-жадвал).

1-жадвал.

Турли мамлакатларда кичик корхоналар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2019 йил)

Мамлакатлар	Кичик корхоналар сони (мингта)	1000 кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони	Умумий меҳнат билан бандлардаги улуши, % да	Мамлакат ЯИМда кичик корхоналар улуши, % да
Буюк Британия	2630	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
АҚШ	19300	74,2	54	50-52
Япония	6450	49,6	78	52-55
Франция	1980	35	54	55-62

Манба: Муаллиф томонидан статистик маълумотлар асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак энг кўп кичик корхоналар сони АҚШ га тўғри келмоқда ва умумий меҳнат билан бандлар сони 54% ни ташкил қилмоқда ва кейинги юқори кўрсаткич Японияга тўғри келмоқда яъни 6450 та ва иш билан бандлар сони бу ерда қолган мамлакатларга нисбатан энг юқори кўрсаткични яъни 78% ни ташкил қилмоқда. Қолган давлатларда эса пастроқ кўрсаткич яъни Буюк Британияда бандлар 49, Германия 46, Франция эса 54 % ни ташкил қилган.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг мустақкам қонунчилик ва ҳуқуқий асоси шаклланган бўлиб, у мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда. Бу соҳа учун солиқ ва молиявий муносабатларда катта имтиёзлар белгиланган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти барқарор ривожланиб келаётган соҳалардан биридир ва аҳоли бу соҳанинг турли жабҳаларида фаолият олиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилнинг якунига келиб мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошловчилар учун “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш тобора кенгайтирилди. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини берди. Натижада 2018 йил якунига келиб мамлакатда бизнесни юритиш кўламлигида “ягона дарча” тизими фаолиятининг янада фаоллашуви туфайли кичик бизнес субъектларининг эркин фаолият юритиши бўйича сезиларли ўсиш тенденциялари намоён бўлди. Шунингдек аҳоли турмуш даражасини ва сифатини, уларнинг фаровонлигини ошириш мақсадида “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 27 июньдаги “Ёшлар-Келажакимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон

Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июльдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарорлари асосида имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади. Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида ажратиш имкониятлари яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижро этилди, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини энди бошлаган даврларда уларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимлари яратилди ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да ривожлантириб борилади.

Ижтимоий ҳимояга мухтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга маъсул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Мамлакатнинг иқтисодий қудрати, аҳолининг турмуш даражасининг ошиши ва уларнинг фаровон ҳаёт кечириши қисман бўлсада тадбиркорлик билан боғлиқдир.

Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб иқтисодиётимизни ривожлантиришга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратди. Айниқса кейинги йилларда соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликка шароит яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Натижада мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик корхоналари сони ортиб, уларни молиявий аҳволи яхшиланиб, товар етказиб бериш майдони, ҳажми ва сифати кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз тадбиркорлари нафақат ички бозорда балки, ташқи бозорларда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб фаолияти кенгаймоқда ва уларнинг сони ортиб бормоқда (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки 2016 йил ҳолатига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 119726,7 млрд сўмни ташкил қилган, 2017 йилда эса 154269,4 млрд сўм бўлган бундан кўриниб турибдики 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 34642,7 мингга кўпайган.

2-жадвал

**Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари
(млрд сўмда)**

Фаолият турлари	2016 (млрд сўм)	2017 (млрд сўм)	2018 (млрд сўм)	2019 (млрд сўм)	2020 (млрд сўм)
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	119726,7	154369,4	195095,6	224265,9	261892,2
шундан:					
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	115599,2	148199,3	187425,6	216283,1	250250,6
шу жумладан:					
деҳқончилик	61755,1	83303,4	98406,4	111904,8	123858,8
Чорвачилик	53844,1	64895,9	89019,2	104378,3	126391,8
Қурилиш ишлари	29413,9	34698	51129,3	71156,5	88130,3

Манба: Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами

2018 йилда 195095,6 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 224265,9 млрд сўмни ташкил қилиб 29170,3 млрд сўмга ўсган. Шундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзи 2016 йилда 115599,2 млрд, 2017 йилда 148199,3 млрд, 2018 йилда 187425,6 млрд, 2019 йил 216283,1 млрд ва 2020 йил 250250,6 млрд сўм бўлган ва йилдан йилга рақамлар ўсишини кўриш мумкин. Шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик соҳасини алоҳида таҳлил қиладиган бўлсак деҳқончилик 2016 йилда 61755,1 млрд ва 2020 йилга келиб 123858,8 млрдни ташкил қилиб икки баробар ошганлигини кўриш мумкин. Чорвачиликда эса 2016 йил 53844,1 млрдни, 2020 йилда 126391,8 млрдни ташкил қилиб бунда ҳам рақамларнинг икки баробар

ошганлигини кўриш мумкин. Қурилиш соҳасида тўхталадиган бўлсак 2016йилда 29413,9 млрдни ташкил қилган. 2020 йилда эса 88130,3 млрдга етган ва 2016 йилга нисбатан 58716,4 млрдга кўпайган.

Биз юқоридаги жадвалда тадбиркорлик субъектларини млрд сўмларда таҳлилин қилган бўлсак, кейинги жадвалда уларнинг фоизлардаги таҳлилин кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

**Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари
(фоизда)**

Фаолият турлари	2016 (%)	2017 (%)	2018 (%)	2019 (%)	2020 (%)
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	106,1	101,2	100,3	103,1	102,9
шундан:					
Қ /х маҳсулотларини и/ ч	106,3	101	100,2	103,3	102,7
шу жумладан:					
деҳқончилик	105,7	98,2	95,8	104,8	103,2
чорвачилик	107	104,1	105,7	101,6	102,1
Қурилиш ишлари	107,2	106	114,3	122,9	109,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами

3-жадвал маълумотларида тадбиркорлик субъектларининг таҳлили фоизларда келтирилган. Фоиздаги фарқини таҳлил қиладиган бўлсак қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2016 йилда юқори кўрсаткич яъни 106,1 фоизни ташкил қилган. Кейинги йилларда эса пасайиш кузатилганлигини кўриш мумкин, жумладан 2017 йилда 101,2 % ни, 2018 йилда 100,3 фоизни ташкил қилган. 2019 йилда эса 103,1 фоиз бўлиб олдинги йилга нисбатан 2,8 фоизга ошган. 2020 йилда эса 0,2 фоизга камайган яъни, 102,9 фоизни ташкил қилган. Деҳқончилик соҳасини таҳлил қиладиган бўлсак 2016 йилда 105,7 фоиз бўлган ва кейинги йилларда пасайиш кузатилган яъни 2020 йилга келиб бу соҳа 2,5 фоизга камайган.

Чорвачилик соҳасида ҳам худди шундай ҳолат кузатилган 2016 йилда 107 фоиз бўлган бўлса, 2020 йилга келиб 4,9 фоизга камайган яъни 102,1 фоизни ташкил қилган. Қурилиш соҳасини таҳлил қилсак 2016 йилда 107,2 фоиз бўлиб, 2018 йилда 114,3 фоиз, 2019 йилда 122,9 фоиз бўлиб 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизга ошган. 2020 йилга келиб эса кўрсаткич 2019 йилга келиб 13,4 фоизга камайганлигини кўриш мумкин яъни, 2020 йилда 109,5 фоиз бўлган.

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, юқоридаги мулоҳазалар ўз навбатида ўринли бўлиб, тадбиркорликни ривожлантириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш ва тегишли чора тадбирлар кўриб бориш муҳимдир.

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки юртимизда аҳоли турмуш даражасини оширишда тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутди ва уларнинг сони ортиб, уларни мамлакат иқтисодиётидаги улуши кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий ислохотлар ва ўзгаришлар натижаси, корхона, тармоқ ва мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижаси бўлиб ҳисобланади. Кўриниб турибдики тадбиркорлик соҳасининг ривожланиши, рақобатбардошлигининг ошиши аҳоли турмуш даражаси ошиши, фаровон яшаши ҳамда мамлакатни иқтисодиётини оширишни таъминлайди. Шу муносабат билан биз юқоридагиларга асосланиб аҳоли турмуш даражасини оширишда тадбиркорлик соҳасини кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз ва қуйидагиларни тавсия этамиз:

- инвестицияларга кенг йўл очиш;
- тадбиркорлар кредитлар олишда фоиз ставкаларини янада камайтириш
- кадрлар тайёрлашда уларнинг салоҳияти ва иқтисодий билимларини кучайтириш;
- ахборот технологияларини ўрганишга чуқурроқ ёндашиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йил ПФ-60-сонли фармони//<http://lex.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли фармони//[http:// lex.uz](http://lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йил ПФ-5016- сонли «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва

рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони//[http:// lex.uz](http://lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида” ги 05.05.2017 йил ПФ-5037-сонли фармони//[http:// lex.uz](http://lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги ПҚ2844 сонли «Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори//[http:// lex.uz](http://lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПҚ-2746- сонли “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори// <http://lex.uz>

7. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

8. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Фан, 2012. – 272 б.

9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.

10. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.

11. Абдурахмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат таъминлаши асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.

12. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2018.

13. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б

14. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б.

15. Салимов Б.Т. Салимов Б.Б. Тадбиркорликни ривожлантиришга стратегик ёндашув. // “Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш” мавзусидаги илмий-амалий анжуманнинг маърузалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2004.- 446 б.

16. Симионова Н. Е. Понятие бизнес-среды предприятия. <http://www.involveman.ru/kars-572-1.html> // involveman: привлечение менеджмента.

17. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.

18. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т.; 2021. – 290 б.

19. <http://stat.uz/>.